



170400, Andijon vil, Bo'ston tumani,
Mustaqillik ko'chasi, 36-uy

170400, обл. Андижан, р. Бустан,
улица Мустақиллик, 36

Тел: (0-374) 333-22-29, faks: (0-374) 333-14-37 Веб-сайт: www.oliysud.uz эл.почта: i.buz@sud.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 28 октябрь

Бўстон тумани 4-1703-2201/1210-сонли иш

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Умаралиев раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Турғуновнинг котиблигида аризачи – [REDACTED]нинг жавобгар – “ [REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида)нинг иштирокида Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а ни қ л а д и :

[REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Аризачи” деб аталади) Бўстон туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, “ [REDACTED]” масъулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб аталади)га нисбатан 88 189 928 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суднинг 2022 йил 3 октябрь кунги ажрими билан ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида [REDACTED] жалб қилинган. Бироқ унинг вакили суд мажлисига келмади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризада кўрсатилган важларни такрорлаб, суд кунига қадарли муддати ўтган қарздорликлар бартараф этилмаганлигини, жавобгарга суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида шахсий кабинетига ажрим нусхаси юборилганлигини ҳамда телефон алоқа хизмати орқали хабардор этилганлигини билдириб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўрашди.

Жавобгарга суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисидаги тегишли тартибда хабардор этилган бўлсада, бироқ унинг вакили суд мажлисига келмади ва ариза юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда “ИПК” деб аталади)нинг 128-моддасига кўра, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

ИПКнинг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Юқоридаги қонун нормаларига асосан суд ишни жавобгар иштирокчиси кўриб чиқишни лозим топади.



Суд, ишда аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб ҳамда ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамият билан Хитой Ҳалқ Республикасининг “Urumqi Elieda International Trade Co.Ltd” компанияси ўртасида 2021 йил 1 мартда №G-18-сонли шартнома суммаси 171 000 АҚШ доллари миқдорида импорт шартномаси имзоланган.

Мазкур шартномага кўра, жавобгар томонидан 2021 йил 15 декабрь ҳолатига Хитой Ҳалқ Республикасининг “Urumqi Elieda International Trade Co.Ltd” компанияси ўртасидаги импорт шартномасига асосан 80 700 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорликни вужудга келтирган.

Аризачи томонидан жавобгарга 2022 йил 21 июнда 22-37612-сонли талабнома юборилиб, унда муддати ўтказиб юборилган 80 700 АҚШ доллари миқдоридаги дебитор қарздорликни ўн кун муддат ичида бартараф қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига асосан Марказий банкнинг 2022 йил 30 март ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта курси (1\$=10 928,12) бўйича 10 фоиз миқдорида, яъни 88 189 928 сўм жаримани ихтиёрий тўлаш тавсия қилинган.

Бироқ, жавобгар ушбу дебитор қарздорликни бартараф қилмаган ёки белгиланган жарима суммасини тўламаган.

Юқоридаги асосга кўра, аризачи жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўрисида судга ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом 22-бандига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари ва инвойслари мониторинги валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари томонидан ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда матнда “ТСОЯЭАТ” деб аталади) орқали амалга оширилади. Бунда валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари ўртасида ТСОЯЭАТда шаклланган маълумотларни ўзаро талаб этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 24-бандига кўра, экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан — «экспорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли Қарори билан



тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига кўра, Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24-1-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин 30 банк иш куни (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк иш куни) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар.

180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар” деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ 5087-сонли Қарори 10-бандида “2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилсин. 2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилсин ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблансин” деб белгиланган.

Жавобгар томонидан юқоридаги экспорт шартномалари бўйича махсулотлар экспорт қилинган кундан бошлаб 180 кундан 365 календарь кунгача бўлган муддатда 80 700 АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валютадаги маблағлар келиб тушиши таъминланмаганлиги оқибатида муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келганлиги ишдаги далиллар, судда аниқланган ҳолатлар билан ўз тасдиғини топади.

Юқоридагиларга асосан суд, аризачининг аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Суд, ишни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, давлат божини жавобгардан ундирмасликни, олдиндан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажатини жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни лозим топди.



Чунки, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасининг биринчи қисми 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Юқоридаларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 170, 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Аризачининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

“ [] ” масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 88 189 928 сўм миқдориди молиявий жарима қўлланилсин.

Қўлланилган молиявий жаримани ундириш мажбурияти Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклатилсин.

“ [] ” масъулияти чекланган жамият ҳисобидан Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси фойдасига олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ўн кунлик муддатда Бўстон туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

Судья

С.Умаралиев

